**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Коронавирусли инфекциялар патогенезини чуқур таҳлили асосида уларга қарши кураш ва даволаш технологиясини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Коронавирусли инфекциялар патогенези, ташхисоти, кириб келишини олдини олиш, янги даволаш технологияларини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий-тадқиқот натижалари:**<br>-коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва даволаш технологияси яратилади;<br>-коронавирус билан касалланишнинг эпизоотологик ва эпидемиологик мониторинги ўтказилади;<br>-коронавирус инфекциялари бўйича олинган эпидемиологик маълумотлар асосида касалланиш кўрсаткичлари прогноз қилинади;<br>-ўткир респиратор вирусли ва бактериал инфекциялар билан оғриган беморлардан ажратилаётган юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг эпидемиологик аҳамиятга эга булган типларини генетик секвенирлаш йўли билан ўрганилади;<br>-коронавирус инфекцияларининг четдан кириб келишини олдини олиш ва прогнози бўйича мукаммаллаштирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш ва жорий қилиш:** Олинган натижалар санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигида синовдан ўтказилади ва Соғлиқни сақлаш, Ветеринария ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари соҳаларига тадбиқ қилинади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **1,0 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **1,0 млрд сўм** |

******Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 2,0 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.***

**Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Тиббиёт фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | COVID-19 коронавирус штаммларини аниқлаш учун молекуляр-генетик диагностикум яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Ўзбекистон Республикасида COVID-19 коронавирус штаммлари инфекцияларни аниқлаш ва тавсифлашга қаратилган маҳаллий молекуляр-генетик диагностикум яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий-тадқиқот натижалари:**<br>- COVID-19 коронавирус штаммлари ҳамда ҳайвондан юқувчи бошқа янги турдаги юқумли инфекцияларни аниқлаш ва тавсифлашга қаратилган маҳаллий молекуляр-генетик диагностикум яратилади;<br>- COVID-19 коронавируслар, янги пайдо бўладиган турли юқумли вируслар штаммларининг филогенетик тузилишини ўрганиш асосида уларнинг Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар бўйлаб тарқалиши бўйича маълумотлар базаси йиғилади;<br>- COVID-19 коронавируслар, янги пайдо бўладиган турли юқумли вируслар штаммларини эпидемиологик ва лаборатория шароитида кузатиш ҳамда назорат қилишга мўлжалланган комплекс тизим ташкил қилинади;<br>- COVID-19 коронавирусларни, янги пайдо бўладиган вирусли инфекцияларни тезкор аниқлаш диагностикаси алгоритми ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш ва жорий қилиш:** Олинган натижалар санитария-эпидемиология маркази лабораторияларида синовдан ўтказилади ва Соғлиқни сақлаш, Ветеринария ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари соҳаларига тадбиқ қилинади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **1,5 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **1,5 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.**